

ЎЗБЕКИСТОНДА СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кулдашев Фарид

Тошкент молия институти талабаси

Илмий рахбари: DSc Ражабов Ш.У.

Жаҳон амалиётида иқтисодий хавф-хатарларнинг глобаллашуви ва турли инқизорларнинг вужудга келиши натижасида миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий ва молиявий барқарорлигига таъсири давлатларнинг мавжуд молия тизими механизмини жумладан, сугурта тизими ва сугурта компаниялари фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу боис дунё мамлакатларида ва ҳалқаро муносабатларда сугурта хизматларисиз бирор фаолият амалга оширилмайди. Ривожланган мамлакатларда сугурта хизматларидан тўпланган маблағлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8-12 фойизни ташкил этмоқда. Ҳалқаро муносабатларда сугурта компанияларининг молиявий барқарорлик даражасини намоён этувчи кўрсаткичлардан бири бу йигилган сугурта мукофотлари бўлиб, улар йирик ҳажмдаги инвестиция маблағларининг тўпланишига имконият яратиб бериши билан баҳоланмоқда. Бу ўз навбатида сугурта компанияларининг инвестиция қилишга бўлган имкониятини кенгайтиради ва сугурталовчининг молиявий барқарорлик даражасини мустаҳкамлайди.

Сугурта – бу ижтимоий механизм бўлиб, ушбу механизм индивидларга ва ташкилотларга турли кўринишдаги нохуш ҳолатлар натижасида ҳосил бўлган иқтисодий йўқотишлардан кўрилган заарларни қоплашга имкон яратади. Сугурта воситасида келажакда йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий қийматдаги маълум ноаниқликларни аниқликка алмаштириш имконияти пайдо бўлади. Шундай қилиб, сугурта молия-кредит тизимининг қисми сифатида бутун жамият ва иқтисодиётни барча даражаларда барқарорликни оширишнинг муҳим воситаси сифатида амал қиласади. Шунинг учун хўжалик субъектларини турли кутилмаган ҳодисалардан кўриладиган зарарлардан ҳимоя қилишда сугурта борган сари муҳим ўрин тутиб бормоқда.

Маълумки, сугурта фонdlари тўрт кўринишда ташкил этилади, булар:

- давлат маблағлари ҳисобидан натурал ва пул кўринишида ташкил этиладиган марказлашган сугурта фонdlари;
- ҳар қандай фуқаро ёки юридик шахс томонидан ташкил этиладиган натурал ёки пул кўринишидаги сугурта фонdlари;

- фуқаролар ва юридик шахсларнинг ихтиёрий келишувлари асосида ташкил этиладиган ўзаро суғурталаш жамиятларининг пул кўринишида (баъзи ҳолатларда натурал кўринишида) ташкил этиладиган суғурта фондлари;
- тижорат асосида ташкил этилган суғурта компанияларининг пул кўринишидаги суғурта фондлари.

Марказлашган давлат суғурта фондлари йирик ҳажмдаги катастрофик ҳодисалар юз берганда кўриладиган заарларни қоплаш мақсадида ташкил этилади. Аммо бу маблағлар ҳар доим ҳам заарларни қоплашга етарли бўлмайди. Фуқаро ва юридик шахс томонидан ўз фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарларни кўзда тутган ҳолда ташкил этиладиган натурал ёки пул кўринишидаги суғурта фонди фақатгина кичик ҳажмдаги заарларни қоплаш имкониятига эга.

Суғурта молия категориясининг қисми сифатида эътироф этилсада, у ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

суғуртанинг мулкнинг пул шаклидаги эҳтимолий ҳаракати билан боғлиқлиги. Яъни, иқтисодий субъектларнинг суғурталанган мулкига нисбатан кутилмаган ҳодисаларнинг юз бериши натижасида зарар етганда пулли қайта тақсимлаш муносабатларининг юзага келиши;

суғурта учун заарни тақсимлашнинг чегараланганлик хусусияти хос. Яъни суғурта муносабатларида иштирок этаётганларнинг ичидаги зарар кўрганларнинг зарари жами иштирокчилар ўртасида teng тақсимланиши;

суғуртанинг маълум доирадаги ҳаракати – маълум ҳудуд ва вақт доирасида. Суғуртанинг эҳтимоллик табиати нисбатан катта ҳудудда ва кўп сондаги суғурта обьектларида амал қилиш заруратини ва суғурта тўловларининг бир қисмини маълум йил оралиғи учун захиралаштириш заруратини келтириб чиқаради;

суғурта фондига йўналтирилган маблағларнинг қайтарилиш хусусиятининг мавжудлиги. Суғуртадаги бу ўзига хослик суғуртада амал қилувчи эквивалентликнинг қўйидаги базавий принципи билан боғлиқ: суғурта тушумлари суммаси суғурта қопламалари ва суғурта ташкилоти харажатларига teng. Суғуртага қабул қилинган маблағларнинг қайтарилиш хусусияти кредит категорияси билан ўхшашибўлганлиги унинг фақат молия категорияси эмас, балки кредит категорияси ҳам эканлигини билдиради.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ти Конун ҳамда олимлар томонидан берилган, суғуртанинг моҳиятини очиб берувчи таърифлардан келиб чиқсан ҳолда суғуртага қўйидагича таъриф бериш мумкин: суғурта – мақсадли пул фондларини шакллантириш ва инсонлар ҳамда иқтисодий субъектлар фаолияти билан боғлиқ маълум ҳодисалар (суғурта ҳодисалари) юз берганда уларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш учун ишлатиш билан шуғулланувчи иқтисодий муносабатлар тизимиdir.

Суғуртанинг функцияси суғуртанинг иқтисодий моҳиятига мос келади ва унинг намоён бўлишининг ташқи шакли ҳисобланади. Иккинчи томондан, улар суғуртанинг ўзига хосликларини молиявий тизимнинг звеноси сифатида намоён бўлишига имконият яратади.

Молиянинг тақсимлаш функцияси суғуртанинг алоҳида ҳолатида қўйидаги функцияларда намоён бўлади:

1) суғуртанинг стабиллаштирувчи (рискли) функцияси асосий функция бўлиб, суғуртанинг моҳиятини акс эттиради. Бунда иқтисодий субъектларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг таваккалчилклари қайта тақсимланади. Бу билан суғурта бутун иқтисодий тизимнинг динамик стабиллигини таъминлайди;

2) огоҳлантирувчи функция суғурта фондининг бир қисми ҳисобидан суғурта рискларининг юз бериш эҳтимоллигини камайтириш тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилади;

3) омонат функцияси ҳаёт суғуртасида амал қилиб, бунда суғурталанувчиларнинг пул маблағлари омонат сифатида тўпланади.

Молиянинг назорат функцияси суғуртанинг шунга мос қўйидаги функцияларида намоён бўлади:

4) суғуртанинг назорат функцияси суғурта фондини шакллантириш ҳамда ундан фойдаланиш мақсадида дастурлар, актуар ҳисобларнинг методикаларини ишлаб чиқиша, прогнозлар қилишда, фонддан фойдаланиш натижаларини баҳолашда амал қиласи. Назорат функцияси суғуртанинг барча звенолари воситасида амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш жараёнларига аралашув билан боғлиқ молиянинг тартибга солувчи функцияси суғуртанинг маҳсус функцияси сифатида қўйидагиларда намоён бўлади:

5) суғуртанинг тартибга солувчи функцияси вақтинчалик бўш бўлган суғурта фондини инвестицияга йўналтириш ҳисобидан ишлаб чиқариш соҳасининг узлуксизлигини ва баланслашувини таъминлашда ва ижтимоий суғурта шаклида фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда қўлланилади.

Суғурта инсоният фаолиятида юзага келадиган турли кўринишдаги хавфхатарларнинг доимий мавжудлиги туфайли заруриятга айланган ва шу сабабли у жуда қадим замонлардан бери турли кўринишда шаклланиб инсоннинг доимий ҳамкорига айланиб келган. Дастребки суғурта фонdlари натурал кўринишда ва фақат ҳодиса юз бергандан кейингина аъзолар томонидан тўпланиб, аъзоларнинг кўрган заарлари қоплаб берилган. Кейинчалик, товар-пул муносабатлари шакллангандан кейин XIV асрдан бошлаб тижоратга асосланган, суғурта фонди пул кўринишида олдиндан шакллантириладиган суғурта ташкилотлари пайдо бўла бошлаган. Бундай ташкилотларнинг кенг тараққий қилиши XVIII асрга келиб юз берган. Натижада бундай ташкилотларнинг молиявий барқарорлиги ва тўловга қобиллиги масаласи долзарблиқ касб этган ва ушбу масала бугунги кунда ҳам суғурта бозорларидаги муҳим мазулардан бири ҳисобланади.